

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ҳаёти

Имтиёз ва имкониятдан фойдаланиб

Юқори Чирчиқ тумани марказида "Брайт стар голд" масъулияти чекланган жамияти янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини куриб битказди.

Маҳаллий ишбилармон аёл Назира Бакирова саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳудуд аҳолиси учун бир қатор замонавий хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Тадбиркорнинг ўз маблагини ҳамда банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан қурилган мажмуа 10 дан ортик маҳаллий ёшларнинг бандлигини таъминлади.

Шерзод МУРОДОВ.

Маҳаллада врачлик пункти

Куйи Чирчиқ туманидаги "Сурум" ва "Дўстлик" маҳаллалари аҳоли учун 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти малакали тиббий хизмат кўрсата бошлади.

Уни бюджет маблағи ҳисобидан "Саноат фуқаро қурувчи" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари куриб битказишди. Шунингдек, ҳудудда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси

ҳам иш бошлади. Бу ерда маҳаллий тадбиркорлар янги маҳалла гузари, бозор шаҳобчаси ва нон маҳсулотлари тайёрловчи цех очилгани ҳам мақсад қилганлар.

Алишер РАҲМАТОВ.

Фаолият қайта тикланди

Ўрта Чирчиқ туманидаги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган "Хилол мубин" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кенгайтириб бормоқда.

Ўтган йили жамиятга ҳудуддаги бўш бинолардан бири ажратилгани айни мuddа бўлди. Шу билан бирга корхонага Германияда ишлаб чиқарилган замонавий тикувчилик ва тўқимачилик

дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Энг муҳими, бу ерда маҳаллий чеварларнинг 30 нафарини иш билан таъминлаш имкони юзга келди.

Шухрат РАҲИМОВ.

Ўқувчиларнинг сеvimли маскани

Бўстонлик туманида бунёд этилган "Баркамол авлод" марказида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда касб-хунар эгаллашлари учун барча зарур шароитлар яратилди.

Бунинг учун давлат бюджетидан 748 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Курилиш ва ободонлаштириш ишларини "Бизнес фэйз курилиш таъмир" масъулияти чекланган жамияти

бунёдкорлари қисқа фурсатда сифатли бажардилар.

Айни пайтда бўстонликлик юзлаб ёшлар бу ерда бўш вақтларини мазмулли ўтказмоқдалар.

Шерзод МУХТОРОВ.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Зангиота туман прокуратурасининг ташаббуси билан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳокимлик майдонида "Меҳнат ярмаркаси" ўтказди.

116 та корхона ва ташкилот 1193 та бўш иш ўринлари билан қатнашган ярмаркага 480 дан ортик фуқаро ташриф буюрди. 154 фуқарога ишга кириш учун йўлланма, 105 нафар фуқарога тегишли мас-

лаҳатлар берилди. Шу кун курилиш ва тадбиркорлик касб-хунар тадбирлари билан битирувчи "Сингапур-Самарқанд" қўшма корхонаси билан уч томонлама шартнома имзолади.

Зилола АЛИЕВА.

«Иммуниет» — голиб

Мақтабларда сўнги кўнгириклар қалинган бўлса-да, битирув имтиҳонлари ва турли тадбирлар давом этмоқда. Бекобод туманидаги 1-умумтаълим мактабида 8-синф ўқувчилари ўртасида ўзига хос беллашув ташкил этилди.

Мақтабнинг биология фани ўқитувчиси Мархабо Аширбоева уюштирган тадбир табиати муҳофаза қилиш мавзусига бағишланди. Унда "Иммуниет", "Қамолот юлдузлари" ва "Истиқлол фарзандлари" жамоалари иштирок этди.

Одамларнинг табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига муносабати, биология фанининг ҳаётдаги

ўрни, табиати муҳофаза этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга бағишланган саволларга тўлақонли жавоб берган 8-"Б" синфнинг "Иммуниет" жамоаси беллашувда голиб бўлди. Ушбу ғалабага Ситора Эшмуродова, Нартгиза Жўраева, Юлдуз Гавхарова каби зукко ўқувчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

Каримкул БОБОКУЛ ўғли.

Келажак овози – 2013

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ПАРВОЗИ



"Келажак овози – 2013" республика кўрик-танловининг вилоят босқинида барча шаҳар ва туманлардан кўпгаб ёш истеъдодлар иштирок этдилар. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми фонди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуси маркази билан ҳамкорликда уюштирган танлов муносабати билан вилоят Маданият ва маънавий маркази кун давомида ижодий ҳамда конструкторлик-дизайн бюросига айланди гўе.

Танлов иштирокчилари ар-хотир ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик ва техник ишланмалар, тасвирий ҳамда амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби йўналишлар бўйича ўз

лойиҳалари ва ижодий ишларини намойиш этдилар.

Таъкидлаш жоизки, "Келажак овози" анъанавий кўрик-танловини ўтган йиллар давомида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли йигит-қизларнинг

турли йўналишлардаги лойиҳалари намойиш этиладиган тадбирга айланди. Ёшлар ўзларининг расомлик ишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилишди. Томошабинларни бошловчи модельерларнинг ишланмалари ҳам лол қолдирди. Миллий матолардан замонавий кўринишда бичиб-тикилган ёшлар кийимлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Архитектура ва дизайн йўналишида ёшлар эскизлардан маъмурий бинолар, турар-дон, болалар боғчаси, мактаб ҳамда саноат корхоналари биноларининг тўлақонли макетларига ўтишди. Зеро, XXI аср курилмалари атроф-муҳитга ҳар жиҳатдан уйғунлашмоғи лозим. Шунингдек, қуёш энергияси, шамол кучи каби табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоғи зарур.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш соҳасида мамлакатимиз катта тажрибага эга. Бундай мажмуаларни барпо этишда муҳандислик-коммуникация тизими билан бир қаторда сервис ва электрон хизматларнинг янги турларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар аввало ахборот коммуникация технологиялари, рақамли телевиденининг замонавий тизими, Интернет ва бошқа қулайликлардир.

Ижодий танловда иштирок этган йигит-қизлар ҳам бу борада ўз истеъдодларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг аксарияти бир неча йилдан буён адабиёт ва публицистика жабҳасида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Ёшлар тақдим этган ишларни кўриб чиқиб, иштирокчиларнинг ижодий салоҳиятларини одилона баҳолаб, уларнинг лойиҳаларини иқтисодиётнинг у ёки бу йўналишида амалиётга жорий этиш иштирокчиларини ҳамалаб, нуфузли ҳакамлар ҳайъати яқин вақт ичида кўриқнинг республика босқинида вилоятимиз шаънини кимлар ҳимоя қилишини аниқлаб беради.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Вилоят ҳоқими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

ЯНГИЙЎЛДАГИ НОХУШ МАНЗАРА

Янгийўл иқтисодий салоҳияти, аҳоли турмуш даражаси, йиллик қўшма корхоналари билан вилоят туманларига намуна бўла олади. Туманда қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Бироқ, хар тўқисда бир айб деганларидек, туман ҳудуди ярқ этиб кўзга ташланадиган, четлаб ўтишининг сира иложи бўлмаган айрим нуқсон ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Яқинда хизмат сафари билан туманда бўлганимизда катта йўл четидидаги чикинди уюмларини кўриб, шундай хулосага келдик.

(Давоми 2-бетда).

Тилга эътибор – элга эътибор

Парча тошга мангу умр бахш этган
Она тилим.
Қояларга боқий битик нақш этган
Она тилим.

Кўзларимга дунёни чин кўрсатган
Она тилим.
Отам, онам кимлигини ўргатган
Она тилим...

Шоир Салим Ашурнинг ушбу сатрлари ёд бўлиб кетган. Хар гал унинг мисралари дилимдан ўтганда, "Тил – миллат кўзгуси", "Тилга эътибор – элга эътибор", "Она тилим – жону дилим" каби ўзбек халқ мақолларини яна бир қарра ёдга оламан. Дарвоқе, "Ўзбек халқ мақоллари" китобини олиб варақ-ласангиз она тилимиз нақадар бой ва буюқлигига ишонч ҳосил қила-сиз.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарини қайта-қайта ўқиб тураман. Қўйда-

ги жумлалар диққатимни ўзига тортади: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоен бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон

тали тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Корхона, ташкилот, муассасаларда барча ҳужжатлар давлат тилида юритилиши қонун билан белгилаб қўйилди.

Аммо баъзи бир хунук манзара-лар ҳали-ҳамон учраб тургани киши таъбини бузади. Яқинда "Туркистон" фермерлар уюшмасига бораётиб, катта йўл чеккасидаги антика ёзувга кўзим тушди. Бир эмас, икки

БУ ҚОНУНИ МЕНСИМАСЛИКМИ ЁКИ...

қалбига аввало она алласи-ю, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу – миллиятнинг руҳидир". Дарҳақиқат, барчамиз гўдаклигимиздан онаимизнинг ширин ва ёқимли алласини тинглаб улгайганмиз. Она деб тили чиқанини ҳеч ким унутмас керак. 1989 йил 21 октябрда "Давлат

Шоирлар, қаҳриқлар, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, истироҳат боғлари, метро бекатлари, қишлоқ ва овуллар, маҳаллалар, кўчалар ҳамда бошқа географик объектларни номлаш "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратила бош-лади.

Жойда катта-катта харфлар билан "Қизил ту" деб ёзиб қўйилди. Ахир бу "Қизил байроқ" дегани эмасми? Юртимиз истиқлолга эришган, топонимик ва географик объектларнинг номлари қайта кўриб чиқилиб, қонунга зид ва собиқ иттифоқни эслатувчи эски номлар янгисига алмаштирилган-ди. "Қизил ту" ҳам "Қоратўхум" дея

нида, туман газ филиали ходимлари тайёрлаган маълумотнома ва тўлов қвitanциясига қалганимиз бўларди. Ҳақиқат шундаки, маълумотномада Акмал Абдурахимовнинг "2013 йил 8 май ҳолатига табиий газдан қарзи мавжуд эмас" деб ёзилган. Тўлов қвitanциясида ҳам Акмал Абдурахимов фойдаланилган газ ҳақини 8 май кунини тўлагани қайд этилган.

Ҳоким ўринбосари ва газ таъминоти филиали ходимларини қўя турай-ди. Аммо, ҳуқуқшунос В. Фармонкулов қонунлар бўйича мутахассис бўла туриб, газетада босилган қарздорлар рўйхати ҳамда юқоридидаги маълумотнома ва қвitanцияда қайд этилган саналар ўртасидаги номунотабонликни пайқамгани ва хотиржам имзо қўйгани жўн қилиб айтганда, ажабна-рарли ҳождир.

Тақрор айтганимизки, қарздорлар рўйхати "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ ҳамда "Тошкентгазтаъминот" УҚ томонидан тақдим қилиниб, чоп этилмоқда.

Юзгартirilганига кўп йиллар бўлган. Афсуски, уни йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси мутасаддиларининг ҳаёлларидан кўтарилган қўринадир. Бу қонунни менсимасликми ё шунчаки лоқайдликми? Ахир Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасида "Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс этирилди" дея белгилаб қўйилган-ку!

Яна йўлда давом этарганимиз, туман маркази Янгибозор, Тинчлик, Суранкент, Арганчи, Бардонқўл қишлоқларидаги "Кафе-Наташа", "Кафе-Эдем", "Кафе-Рандеву", "Кафе-Красный перец", "Банкетный зал – Малибу", "Кафе-Эдевал", "Кафе-Зафар", "Аптека Узин", "Аптека", "Вино-водка", (Давоми 2-бетда).

Тадбиркорлик



ЭЛГА ФОЙДАМ ТЕГСА БАС...

Чирчиқ шаҳрида тадбиркорликни йўлга қўйиб, аҳолини ҳам сўт маҳсулотлари, ҳам иш ўринлари билан таъминлаётган Мактубахон Убевани яхши танишадим. У ташкил этган хусусий корхонада 30 дан зиёд ишчи меҳнат қилади.

Тилга эътибор – элга эътибор

"Ксерокопия", "Ремонт обуви", "Парекмажерская"... каби киши дилини хира қилувчи хусусий ошхона ва дўконлар пешонасига рус тилида ёзилган лавҳаларни қўйлаб учратдик. Ваҳоланки, "Давлат тили тўғрисида" - ги Қонуннинг 20-моддасида "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин" дейилган.

БУ ҚОНУННИ МЕНСИМАСЛИКМИ ЁКИ...

қўчаларини номлаш ва қайта номлаш юзасидан таклифлар тушди. Уларга кўз югуртирар эканмиз, Цой И. А, Пақ С. С, У. Утелов, Х. Расулов, Т. Хамроев, Аменгелди, Н. Фатхудинов, Ш. Ихсанов, Н. Мингбаев, Ли П. Х, Ким Д. А, Сон Ен Дюн, Т. Халикбаев, С. Маймаков, қўйингчи, яна юзлаб номларни ўқиб, ёқа ушладик. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Булар қимматлими? Наҳотки, қишлоқ оқсоқоллари топонимик номлар масала-

Депутат ва ҳаёт

ДИЛДАГИСИ ТИЛГА КЎЧДИ

Ангрен шаҳри тасарруфидоги Красногорск шаҳарчасида 91 та кўп қаватли уйлар 5 та ширкат ҳужжалиги, 3 та тадбиркорлик субъекти, 34 та хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Учта умумтаълим, битта мусиқа мактаби, 4 та болалар боғчаси 11,5 минг аҳоли хизматиди.

Оҳангор туманида "Обод турмуш йили"

Давлат дастури ижросини таъминлашда маҳалла идораларининг ижтимоий-иқтисодий ўрни ва таъсирини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий биллиларини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

МАЛАКА ОШИРИЛМОҚДА

Фуқаролар йиғинлари раислари масъул котиблари, маслаҳатчи ва посбонлар иштирок этган тадбирда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида маҳалла институтини ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш жойларда ижтимоий-иқтисодий риwoжланишга доир масалаларни ҳал этишдаги ўрни ҳамда таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ – МАМЛАКАТ РАВНАҚИ

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини юқори малакали мутахассислар иштирокида тиббий кўрикдан ўтказиш ва касаллик аниқланган шахсларни соғломлаштириш назарда тутилган.

ЭЪЛОН

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулқис таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича виллоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил III чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулқис таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича виллоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил III чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?



транспорт эса "дом"ларни ораламайди. Фақат йўл четидоги ахлатларни йиғиштириб кетади, холос. Қизнинг бу гапларига ишонч ҳосил қилиш учун ёнимиздаги кўп қаватли уйлар орасини айландик. У ҳақ экан. Қизик. Одатда бундай кетма-кет тартибда қурилган иморатларнинг маркази ёки четроғида чиқиндилар учун жой ажратилиб, махсус ахлатхоналар барпо этиларди, бу ерда эса...

ЯНГИЙЎЛДАГИ НОХУШ МАНЗАРА



тасаддилари шундоққина йўл юзидоги бу хунуқ манзарани кўришмаган бўлишса? Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари аҳоли орасида шу масала бўйича тушунтириш ишларини олиб боришмаса? Уларга зиммадаги вазифаларини еслатиб туриш шартми?

Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Муаллиф олган суратлар.



чиқиб, қўлидагини бекат биқинидаги ахлат уюмига улоқтирди. Уни тўхтатиб, суҳбатлашганимизда, бу ерда яшовчиларнинг аксарияти чиқиндиларни шу ерга ташлашини айтди.

дорлик жамиятининг ортида тўпланган ахлатни трактор прицепига ортаётган туман ободонлаштириш бўлими ишчиларининг шу масалага оид фикрларига қизиқдик. Улар ҳар ҳафта йўл юзидоги чиқиндиларни йиғиштириб кетишларини, "Ахлат ташлаш мумкин эмас. Жарима палон минг сўм" мазмунда деворларга ёзиб қўйганларини, лекин, аҳоли билганидан қолмаётганини таъкидлашди...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қадамжоларимиз

ҚИРҚИЗ БУЛОҚ ТАРИХИ

Олмалик шахридан 6 километрча ғарбда Қўл ота қишлоғи бор. Унинг юқори томонидаги тоғ тағида 40 та булоқ қайнаб ётди...

Маҳаллий аҳолининг ҳикоя қилишича, VIII асрларда бу жойларда бир подшоҳ ҳўкм сурган. Унинг ёлғиз қизи бўлган экан...

отадилар ва ҳалок бўладилар. Орадан йиллар ўтиб, кўннинг қўйи қисмида Қўл ота қишлоғи бунёдга келади...

булоқ дея ном беришади. Бу муқаддас маскан зиёратгоҳга айланади.

Муствақиллик йилларида, аниқроғи 2003 йилга келиб, аҳоли ташаббуси билан бу ер яна одамлар гавжум бўладиган зиёратгоҳга айланди...

Шуниси ҳайратланарлики, бу ерга келувчи зиёратчилар орасида кўпгина турли миллат вакиллари ҳам кўрасиз. 8 йил фарзанд бўлиб, шу жойни зиёрат қилгач, фарзанд кўрган рус аёли ва 15 йилдан сўнг фарзандли бўлган самарқандлик аёл болаларини етаклаб келишибди...

Қўйи Чирчиқ туманидаги Майдонтол қишлоғи "Жалойир" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ меҳнат фахрийлари Қирққиз булоқни зиёрат қилиб, катта таассуротлар билан қайтдилар...

Абдулла САФАРОВ.



МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Чирчиқ шахридаги "Адолат" маҳалласида янги болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

Спорти майдончасини шахар ҳокимлиги ва ҳомийларнинг кўллаб-қувватлаши билан ишга туширдик...

рилан. Аниқса, ёзги табиат кунларида бундай спорт майдонлари болаларимиз учун зарур.

Ўз мухбиримиз.

Бу – қизик

ЯНА САҚИЧ ҲАҚИДА



Сақичнинг фойда ва зарари ҳақида кўп гапирилган. Уйда, кўча-кўйда, ҳатто жомат транспортда иштах билан чапиллаб сақич чайнаб, шарчалар пуфлаб, "пақ" этиб ёриб, атрофдагиларга тулук сарчарта юрганларни ҳар кун учратамиз...

Яқинда интернетда Ғарб олимлари резина сақич нафақат қариедан ҳимоялайди, балки бош мия қон айланишини яхшилаб, уни ишлаш қобилиятини ошириши ҳақида ёзишди...

Сақичнинг ягона исботланган фойдали томони жигилдон қайнашни қолдиришидир. Ўрни, уни чайнаганда оғизда катта микдорда сўлак ажралди ва у меъда қайнаши – зардани "босди"...

Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Ҳаёт сабоқлари

Анчадан буён бетоб ётган холамини йўқлаб бордим. Ётган касал эмасми, ранг-рўйи синик, юз-кўзларида чарчоқ зоҳир эди.

Холажон, тузук бўлиб қолдингизми, – дея ёнларига чўқдим. Томирлари бўртиб чиққан кўллари кўксиларига олиб бордилар-да, "Алхамдүүлаллоҳ, яхшиман, берган дардига шукр" дедилар мажолсиз...

Аслида, ҳаммиса тилларидан шукрона сўзи тушмайдиغان холамини эслашимга бошқа бир сабаб бор. Бугун назаримда базилларимиз шукрни унутиб қўйгандекмиз...

Касал эмасман, дадам туғилган кунимга тилла тиш қўйдириб бераёпти, – деди у севинчини ичига сиғдирмайди.

Газетамизда бир табиб аёл ҳақида мақола берилган эди. Бозор-ўчар қилиб қайтаётсам, ёнимга оппоқ "Нексия" келиб тўхтади...



ШУКРОНА

иچига имлади. Ҳайрон бўлганча, у айтган томонга қарадим.

дафтарчамни титқилаётганимда боласини ортомқолаб олган аёл: "Болам касал, Худо йўлига садақ қилин" дея машина ичиндагиларга қўл чўзиб, мўлттиради.

Искриқ болангни олиб, жўна, машинани кир қилсан, – опахон аёлни ҳақорат қила бошлади.

Опахонга табибнинг рақамини бердим. У эса раҳмат ўрнига "соғайиб кетсам одамгарчилик қиларман" деди.

Жиноятга жазо муқаррар

"Ўз тарихини билмайдиган, кеҗаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ..."

Мамлакатимиз раҳбарининг бу сўзлари ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Зеро, кеҗаги кунини унуттиш ҳеч қачон яхшилликка олиб келмаган.

Агарки биз бундай ҳатоларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худдисидан кимсаларга айланб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

ЭЪТИҚОДГА ХИЁНАТ

Янгиёуллик бир гуруҳ эътиқоди султ қимсаларнинг қирққорлари ҳақида эшитган, кўрган, билган кишилар юқорида келтирилган фикрлар нечоғлиқ ҳақиқат эканига иқроқ бўлади.



Элик ўшли Гулсара Иномудинова, 44 ёшли Саодат Эшонқулова аслида ёшларга имон-эътиқоддан, эл-юрт, ота-онага меҳр-оқибатдан, истиқлол неъматларига шукроналикдан сўзлайдиган, насиҳат қиладиган ёшда. Лекин, уларнинг қушқонга сигмайдиган ҳатти-ҳаракатларини ҳақиқат учун ҳавфсиз деб айтиш қийин.

Султоновнинг фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилган. У ёш аёлларга ҳозир замон нотинчилиги, мусулмон биродарларга тайзқ ўтказилаётгани, турмуш ўртоғи ҳам шу сабабли "ҳижрат"га чиқиб кетгани ҳақидаги ёлғон-берар экан, "шаҳид"лик ва "турмуш ўртоқларини бева аёлларга уйлантириш суннат"лигини уқтиришга ҳаракат қилган, диний-экстремистик руҳдаги оқимга аъзо бўлишга даъват этган.

Шундайлардан яна бир қанчаси, хусусан, Зиёда Ўсупова, Мунира Тожиева, Ирода Билолова, Хуршида Билолова, Шаҳноза Исмолова ҳозирги кунда "Жиходчилик" диний-экстремистик оқимларда иштирок этиб, кенг тарғиб этишгани учун жазо муддатини ўтаётган турмуш ўртоқларининг даъватлари, топшириқларини бажариш мақсадида "аёллар жамоати"ни ташкил этишган.

Бир қарашда, аёллар бир-бирлариникига бориб турса, йиғилишса, бунинг нимаси ёмон дейдиганлар ҳам топилди. Яна улар чеварлик билан шугулланса, "Лайлат ул-Қадр" кеҗасида тоат-ибодат қилишса?! Қани эрди шундай бўлса?! Йўқ, улар шундай баҳоналар билан йиғилишиб, "Таъжид"дан диний таълим олиш, ислом давлатида яшаш афзаллиги ҳақида суҳбатлар ўтказиб туришган.

Бундай маънавий таҳдидлар жаҳиятнинг, инсоннинг қушандаси эканини инкор этиб бўладими?

Ҳўш, маънавий таҳдид нима? "Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дўнәсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган маққуравий, гоъвий ва ахборот хуружларини назарда тутиш лозим..."

Ачинарлиси, бу хуружларга осонгина бериладиган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Ақмал Ларифалиев, Баротбой Довудов, Лаиз Аҳмедов, Қодир Жўраев ҳам "Жиходчилик" диний экстремистик оқим гоъяларини тарғиб этувчилар сифатида қонун олдида жазоб беришмоқда.



Тўрт қаватли уй қўлаб тушди

АҚШнинг Пенсилвания штати Филаделфия шахрида тўрт қаватли бино бехосдан қўлаб тушгани муносабати билан 6 киши ҳалок бўлди.



Филаделфия нашла-ридан бири шахар ҳокими Майкл Наттернинг сўзларига таяниб ҳабар қилишча, ҳалок бўлганларнинг 5 нафари аёл ва бири эркак. Бундан ташқари, 13 киши турли даражада жароҳат олди.

Аслида ушбу эски бинони бузиб ташлашга қарор қилиниб, жараён бошлаб юборилган эди. Бироқ, бинонинг тасодифан қулаши сабаблари

Роберт Бейлснинг 16 нафар фуқаросини ўлдиришда айбланаётган америкалик ҳарбий жараёнида унинг айбига иқроқ бўлганини эътиборга олди.

Reuters агентлигининг ҳабар қилишича, судья ушбу қарори билан судланувчининг тергов билан битимини маъқуллади.

Энди Бейлсга кўпи билан умрбод қамоқ жазо чораси берилиши мумкин.

39 ёшли Роберт Бейлс 2012 йилнинг мартида Афғонистоннинг Қандаҳор

вилоятидаги ҳарбий база атрофида жойлашган иккита қишлоққа бостириб бориб, уйларида улаб ётган одамларга қарата ўқ утди.

Ушланганлардан икки киши воқеа содир бўлган бар официантлари ва яна қандайдир бари аёл. Бундан ташқари, хуққни муҳофиза қилиш органи ҳодимлари яширинишга ўлгурган бар ағасини ҳам қидирмоқдалар.

Бу орада Мехико прокуратураси барга ўрнатилган кузатиш камераларидаги видеотасвирларни таҳлил қилмоқда.

Ушбу ҳодисанинг ягона гувоҳи бўлган кишининг айтишича, никоб кийиб олган одамлар барга бостириб кириб, 12 кишини машиналарга қаёққадир олиб кетишган.

Бироқ, Associated Press берган маълумотларда, бош прокурор ушбу шубҳали эркак ва аёлларнинг бардан қачон чиққанлари, яъни улар ўзлари қиқиб

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ташкент давлат аграр университети томонидан 2005 йил 29 июнда Бозорова Сафия Абдуллаевна номга берилган В № 188678 рақамли диплом йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент вилояти, Занғота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТОРҲИ томонидан рўйхатга олинган "ДО СТМ/НАММАДО БАРАҚА" фермер ҳўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент меҳмонхона коллежи томонидан 2004 йилда берилган Т № 180513 рақамли диплом, Солиқ академияси томонидан 2006 йилда 007 реестр рақами билан рўйхатга олинган ОТ № 0607 сонли диплом ҳамда Ташкент давлат аграр университети томонидан Исламов Ернар Аватович номига берилган В № 099288 рақамли бакалавр дипломи йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Table with contact information for 'TOHKENT HAKIKATI' including address, phone numbers, and website.